

Ўқувчилар билан мулокот

Президентимиз Ш.М.Мирзиёвнинг 12-13 июнь 2018 й. Фарғона вилоятига ташрифи давомида берган топшириқларидан бири вилоятдаги иқтидорли ўқувчиларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш, уларни ижодий салоҳиятларини намоён қилишларига барча шароитларни яратиш масаласи бўйича топшириқлар берган эди. Шу билан бирга 19 март 2019 йилда Президентимиз томонидан ўтказилган йиғилишда ёшларнинг маънавиятини қўчайтириш, уларнинг бўш вақтларини мазмунли ўтказилиши учун китоб ўқишга қизиқтириш масалалари кенг муҳокама қилинган эди.

Қўйилган вазифаларни бажариш учун академик М.М.Мирсаидов ва проф. Т.М. Мавлановлар 4-6 апрел 2019 йилда Фарғона вилоятининг қатор умум таълим мактабларининг иқтидорли ўқувчилари билан учрашиб, қизғин сұхбатлар ўтказиши. Фан олимпиадаси қатнашчилари ва аъло баҳоларга ўқиётган ўқувчиларга ўзбек классик ёзувчи, шоирларнинг ва улуғ ёзувчи Чингиз Айтматовнинг қатор китобларини совға қилдилар. Учрашувлар Фарғона вилоятининг Марғилон шаҳридаги 8-чи ва 29-чи мактабларнинг ва Водил шаҳарчасидаги 1-ИДУМнинг иқтидорли ўқувчилари билан бўлиб ўтди.

Бу учрашувларда М.Мирсаидов Ўзбекистонда ёшларга оид давлат сиёсати ҳақида ва Президентимизнинг ёшларга бўлган эътибори, уларга яратилаётган шароитлар тўғрисида гапирди. Уларни келажакда илм-фаннынг юқори чўққиларини эгаллаб, янги технологияларни ўзлаштиришга чақирди. Ўқувчиларга келажакда давлатимиз равнақи учун фаол хизмат қиладиган, етук мутахассислар бўлиб етишишлари учун ўқувчилар ўқитилаётган фанларни чукур ўзлаштириши, тинимсиз меҳнат қилиши ва ҳар доим олдинга интилиши кераклиги ҳақида гапирилди.

Буни амалга ошириш учун ёшларимиз тинмасдан меҳнат қилиб, яхши ўқишилари ва ҳар томонлама етук мутахассис бўлиши учун эса чет тилларини яхши билиши ва кўп китобларни ўқишига ҳаракат қилишилари керак деб таъкидлади. Ўқувчилар томонидан кўплаб саволлар берилди. Бу берилган саволлардан уларнинг кўп китоб ўқиганликлари ва ўз ёшларига қараганда анча юқори билимга эга эканликлари кўриниб турар эди. Ўқувчилар ва ўқитувчилар томонидан берилган барча саволларга М.Мирсаидов тўла жавоб беришга ҳаракат қилиб, қатнашувчиларнинг кайфиятини кўтаришга эришилди.

Учрашув қизиқарли тарзда, юқори савияда ўтди, бўлган учрашувни ўқувчилар кўтаринки рух ва катта ишонч билан қабул қилиши. Учрашув қатнашчилари Президентимизга ёшларга яратиётган имкониятлари учун ўз миннатдорчиликларини билдиридилар. Бу ёшлар келажакда Президентимизга муносиб ўғил ва қизлар бўлиб етишишга ваъда беришди. Эсадалик учун учрашувда қатнашган мактабнинг барча иқтидорли ўқувчилари ва фидойи ўқитувчилари билан расмга тушилди.



Институт матбуот котиби Раҳимбой Жуманиёзов